Шундай яшар одатда одам

**“Урганч экскаватор” акциядорлик жамияти жамоаси ҳар бир иш кунини давр талаби даражасида ташкил қилиб, изланиб ишлаш асосида қувончли натижаларга эришаётир, режа-топшириқларни ошиғи билан уддаламоқда. Ўтган йили корхона ишчи-хизматчилари экскаватор ишлаб чиқаришни 2002 йилга нисбатан 10 тага кўпайтиришга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 2,2, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни 5,3, фойда олишни 3 баравар, ўртача иш ҳақини 2 баравар ўстиришга муваффақ бўлдилар.**



### РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

◆ Ўтган йили корхонада режага қўшимча равишда 640 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2002 йилга нисбатан 153 фоиз ўсиш таъминланди.

◆ Ҳар ишчи ҳисобига 10585054 сўмлик, шунингдек, асосий фонднинг ҳар бир сўми эвазига 6,4 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

◆ Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 75 минг сўмга етказилди.

◆ Корхона ёрдамчи хўжалигида етиштирилган 29578 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга арзон нархларда тарқатилди.

◆ Фидойи меҳнатни рағбатлантириш ва моддий ёрдам тадбирлари учун 2448463 сўм, меҳнат муҳофазасини, иш шароитларини яхшилаш тадбирларига 10021800 сўм, ишчи-хизматчиларга қўшимча меҳнат таътили учун 7208625 сўм сарфланди.

◆ Корхонада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ишчи-хизматчилар 1799251 сўм миқдоридаги маблағ билан тақдирландилар.

◆ Оталиқдаги мактабларни таъмирлашга 15 миллион, “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларини ўтказиш учун 40 миллион сўм маблағ ажратилди.

◆ Вилоятда биринчи бўлиб корхона қошида тиббий марказ ишга туширилди, бунинг учун 2900 минг сўмлик тиббий техника анжомлари сотиб олинди.

# МЕҲРИ МЕҲНАТГА ПАЙВАНД

Хотиржам қўл қовуштириб ўтириш унга ёт. Уни ҳамиша ишлаб чиқаришнинг қайноқ участкаларида, муаммоларнинг ечимини излаб олиб борилган долзарб мунозараларда, қизғин баҳсларда учратиш мумкин. Унинг иш услуби ўзгача. Ишлаб чиқариш масалаларини ўз вақтида бевосита тегишли жойнинг ўзида ҳал этишга одатланган.

Гап Хоразм вилоятидаги “Урганч экскаватор” акционерлик жамияти бош директори Мадраҳим Қурбонниёзов ҳақида бормоқда. Унинг бу даргоҳга қадам қўйганига 38 йил бўлди. Ўшанда мўйлаби эндигина сабза урган йигитча эди. Шогирд тушди — устоз бўлди. Дастлаб Урганч гидромелиорация техникумини, сўнгра Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш муҳандислари институтини сиртдан ўқиб тугатди. Чилангар, токарь, пармаловчи, силлиқловчи, хуллас сурункали меҳнат фаолияти давомида не касбларда ишламади, афсонавий Фарҳод номи билан аталувчи қудратли ер қазиш машинасини ишлаб чиқаришнинг қайси жараёнларида қатнашмади, дейсиз? Шу тариқа амалиёт билан назариянинг бирга олиб борилиши Мадраҳимга оддий ишчиликдан етук мутахассис-директор даражасига кўтарилиш учун пиллапоя бўлди. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган технологик қисмлар, ишлаб чиқариш жараёнлари унга беш бармоқдай аён. Шу жумладан жамоа аъзоларидан кимнинг нимага қодирлиги ҳам.

— Бир қарашда ёшулли майда-чуйда масалаларга эътибор қилмаётгандек туюлади. Аслида у бу ердаги ҳаёт нафасини доимий равишда ҳис қилиб, жамоани олдида турган долзарб вазифаларга йўналтириб туради, — дейди бош муҳандис Икром Ҳакимов. — Ким ишга кечикиб келди, ким маҳсулот сифатига путур етказди. Албатта, бундай кишилар билан чиқиша олмайди у.

Дарҳақиқат, директор ўзига ҳам, қўл остидагиларга ҳам талабчан. Аввало у соҳибқирон Амир Темурнинг “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир” дея айтган ўгитларига амал қилиб ишга фидойи, уддабурон, ҳар қандай шароитда ҳам сўзининг уддасидан чиқишга қодир йигитларнигина қабул қилади. Сўнгра улар билан бамисоли оғайнидек ҳамкор, ҳамфикр бўлиб иш олиб боради.

Етакчининг ташвиши ҳам қувончи ҳам шу корхона билан боғлиқ. Уни узоқ ташлаб кетолмайди. Сафарга кетадими, меҳнат таътилига чиқадими кўзи орқасида бўлади. Заводда 38 йилдан бери ишлаётган бўлса-да (шундан чорак асри корхонага раҳбарлик билан ўтди) ҳали бирон марта ҳам меҳнат таътилига чиқиб тўла дам олгани йўқ. Қадрдон даргоҳ уни ўз бағрига чорлайди. Унинг фикрича, у ёки бу масала билан сал шуғулланмай қўйдингми, иш устига иш қўшилди, муаммога айланди, деявер. Вазифа-муаммолар эса бисёр: конвейердан чиққан экскаваторларга харидорлар топиш, уларнинг пулини ундириш, маблағнинг бир қисмини яратилажак машиналарга бутловчи қисмлар олиш учун агросаноат тизими бўйича шерикларга йўллаш, меҳнатчиларга иш ҳақи вақтида тўланишини таъминлаш — буларнинг ҳеч бири силлиққина ҳал бўлаётгани йўқ. Шу ва бошқа кўплаб масалалар ечимида корхона етакчисининг куйди-пишдилиги мужассам.

Баъзан уни корхона ҳовлисида хаёл суриб юрган ҳолда учратасиз. Билмаганлар буни раҳбарнинг зерикиб қолганлигига йўйишади. Аслида-чи? Кўпгина ғоялар, таклифлар, янгиликлар айни шу “сайрларда” туғилганлигини ва бозор иқтисодиёти шароитларининг тезкор талабларига монанд равишда рўёбга чиқарилаётганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Ўтган йили хорижга борийўғи учта экскаватор экспорт қилинди. Раҳбарнинг режасига кўра бу кўрсаткич камида 50 фоизни ташкил этиши керак. Демак, шу йўналишдаги фаолият пировард-мақсадга эришилгунча давом эттирилиши лозим. Ёки қудратли машиналарни ишлаб чиқаришни локализациялаш (маҳаллийлаштириш) дастурини олайлик. Яқин-яқинларгача бу ечими қийин бўлган оғир юк эди. Ишбошининг саъй-ҳаракатлари, собитқадамлик билан иш олиб бориши туфайли дастур тўла бажарилди. Бугун қудратли қазиш машиналарининг 83 фоиз қисми мамлакатимизда, шу жумладан 60 фоизи Урганчда ишлаб чиқарилмоқда. Унинг двигатели, компрессори, айланма таянч қурилмаларигина Россиядан келтириляпти. Умуман, корхонада сўнгги йилларда юз берган кўпгина ўзгаришлар жамоанинг фидойи етакчиси билан боғлиқ. Ишлаб чиқарилиши ўтган йили ўзлаштирилган КХУ-4Н русумли культиваторни олайлик. У нафақат иш сифати, балки механизатор учун ўнғайлиги билан ҳам ажралиб туради. Одатда мавсум арафасида хўжаликларда бу агрегатни тракторга тиркаш учун бир неча чилангар икки-уч кунлаб оввора бўларди. Мадраҳим аканинг бош-қош бўлиши туфайли бу ерда дунёга келган агрегатни тракторга тиркаш учун механизаторнинг ёлғиз ўзи кифоя. У тракторни агрегатга яқинлаштириб, учта бармоқчани кийгизиб ишни бошлаб юбораверади.

Хориж билан ҳамкорлик қилмаган корхонанинг истиқболи йўқ. У давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлигини корхона фаолиятининг ҳар қадамида ҳис қилиб турибди. Ва бундай шерикларни Россиянинг Владимир ва Рибинск шаҳарлари машинасозлари тимсолида топгандай бўлди. Россиялик ҳамкасблар ҳам урганчлик машинасозларга ишонч билан қўл узатмоқдалар. Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, “Урганч экскаватор”, “Ковров экскаватор” ва Рибинск гидромеханика заводи ўртасида шерикчилик асосидаги қўшма корхона туғиляпти.

Буни олға ташланган муҳим қадам дейиш мумкин. Зеро, корхона акциялар пакети бир қисмининг хорижлик шериклар қўлига ўтиши бу ердаги ишлаб чиқаришнинг пировард-натижаларидан манфаатдор бўлган кучлар сафининг кенгайиши демак. Бу қувватларнинг тўла ишга туширилиши туфайли янгидан 150-200 ишчи ўрни очилиши, хорижий инвестиция киритилиши асосида жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши демак. Ҳамкорликда ишлаб чиқарилиши кўзланаётган гидравлик экскаваторлар ва землесослар ана шундай маҳсулотлар сирасидандир. Хорижликлар томонидан билдирилаётган ишонч-эътиборнинг ўзи етакчидан тортиб оддий ишчигача — барчанинг зиммасига янада масъулиятли вазифалар юкламоқда, уларни изланиб ижодий ишлашга ундаяпти.

У вақтнинг зиқлигига, олдда муҳим вазифалар турганлигига қарамай майда-чуйда бўлиб кўринган оддий инсоний муносабатларни жойига қўйишга ҳам вақт топади. Ишчининг бугунги талаб эҳтиёжлари қандай? Унинг ишидан, оиласидан кўнгли тўқми? Атрофдаги мададга муҳтож кишилар-чи?

Ўтган йилнинг ўзида корхона томонидан оталиқдаги мактабларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўнлаб ишчиларга “Даритал”нинг хушбичим пойафзаллари ҳадя этилди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 75 минг сўмга етказилди. Етакчининг фикрича улар бундан-да юқори иш ҳақи олишга, янада фаровон яшашга муносибдирлар.

Касбини, қадрдон корхонасини — қудратли машиналарни яратаётган ҳазрати ишчини эъзозлаб, Ватан равнақини кўзлаб кенг кўламда фаолият кўрсатаётган фидойи инсоннинг меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. Президентимиз Фармонига биноан у “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. Бу юксак ишонч етакчини янада ташаббус билан ишлашга, Ватан тараққиётига муносиб улуш қўшишга руҳлантирмоқда.

**О.РАЖАБОВ**



**СУРАТЛАРДА: 1.Акционерлик жамияти бош директори Мадраҳим Қурбонниёзов.2. Корхона маҳсулотларидан лавҳалар.**

Адолат СДП ҳаётидан

# ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

**Партия фаоллари, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва ҳокимлик вакиллари иштирокида “Адолат” СДП Тайлоқ туман Кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда туман партия Кенгашининг биринчи котиби Соли Ражабовнинг маърузаси тингланди.**

Саркотибнинг таъкидлашича, партия Кенгаши туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора фаол иштирок этмоқда. Бу ҳол қишлоқларни ободонлаштириш, мактаб, шифохоналар шароитини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш сингари долзарб ишларда айниқса яққол намоён бўлмоқда. Лекин мамлакат парламентига бўлажак сайловлар арафасида партия Кенгаши, бошланғич ташкилотлар уддалаши лозим бўлган вазифалар ҳали кўп.

Шу боис маъруза юзасидан бўлиб ўтган музокараларда бошланғич партия ташкилот котиблари Рустам Муродов, Нурулло Баҳриев, “Қўшчинор” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураҳмон Искандаров, туман ҳокими ўринбосари Саттор Суяров, “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси Раҳим Жуманов ва бошқалар сўзга чиқишиб, партия Кенгаши фаолиятини янада кучайтириш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини авж олдириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда вилоят партия Кенгашининг бўлажак конференциясига делегатлар сайланди. “Адолат” СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Абдурасул Ҳакимов конференцияда иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**



Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг ташаббуси Яккасарой туманидаги “Ракат” маҳалласидаги фаол аёллар Наврўз байрамини ўзига хос тарзда нишонладилар.

— Бу тадбиримизга эстрада цирк коллежи билан “Сакура” ресторани жамоалари ҳомийлик қилишди, — дейди шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат ЮСУПОВ. — Унда республика ва шаҳар “Маҳалла” жамғармаларидан вакиллар ҳам ҳозир бўлдилар. Ўлмас Шукуров раҳбарлик қилаётган бу маҳаллада нишонланган баҳорнинг бетакрор ва гўзал байрами Наврўз тантаналари бир пиёла чой устида завқу-шавққа тўлиб ўтирган иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Эстрада ва цирк коллежи жамоасининг байрамга бағишланган концерт дастури йиғилганларга манзур бўлди.

**СУРАТДА: тадбир иштирокчиларидан бир гуруҳи**
**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат**


Ўзбекистон Адолат СДП
Самарқанд вилоят Кенгаши



юртимизнинг барча фуқароларини,
ўз сафдошларини, партиянинг
хайрихоҳларини халқимизнинг энг гўзал ва
бетакрор байрами — Наврўз айёми билан чин
қалбдан муборакбод этади.

“Меҳр ва мурувват йили”нинг яратиш ва
яшнатиш фаслидаги бу унутилмас айём
барчаларингизга битмас- туганмас
бахт ва шодлик олиб келсин!

Юртимиз бундан-да гуллаб яшнасин.
Баҳорий кайфият сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

# РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ — «ҒАЛЛАБАНК» БОШҚАРУВИ

Ўзбекистон халқини, ўз ҳамкорлари, мижозлари ва ҳамкасбларини "Наврўз" байрами билан самимий муборакбод этади.

Азиз юртдошлар!

Барчангизга боқий умр, бахт-саодат, тинчлик, омонлик доимо ҳамроҳ бўлсин!

ҚУТЛУҒ ХОНАДОНИНГИЗДАН ФАЙЗУ БАРАКОТ ҲЕЧ ҚАЧОН АРИМАСИН!

**«ҒАЛЛАБАНК»**

ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

ASAKA BANK

## Давлат акционерлик тижорат «Асака» банки автотранспорт филиали

бутун Ўзбекистон халқини, мижозларини
Наврўз айёми билан қизғин муборакбод этади.
Шу азиз Ватан, гуллаган Она замин бағрида яшаётган инсонларнинг
оиласига тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайди.

**Барчангизни "Меҳр-мурувват йили"да ҳам "Асака" банк автотранспорт филиали билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишингизни, яхши ният билан жамғарган пул маблағларингизни унинг юқори фоизли омонатларида сақлашингизни истайди.**



Зеро, "Асака" банки автотранспорт филиали
Сизга фаровонлик калити бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.
Барчангизга бахт ва омад ёр бўлсин!
Ўсиш, униш, тараққиёт омили бўлмиш
Наврўз хонадонингизга фақат қувонч ва шодлик олиб келсин,
азиз юртдошлар!

# АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА БАНК"

**ўз акциядорлари, мижозларини, барча юртдошларимизни НАВРЎЗ АЙЁМИ билан самимий қутлайди!**






НАВРЎЗ — табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи. Шу билан бирга, Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.

**УШБУ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРДА ҲАР БИР ХОНАДОНГА БАХТ-САОДАТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ!**

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

